

АКАДЕМИК НАШР — адабий асарларнинг илмий асосда тайёрланган нашри. Асосан мутахассислар — илм ахлига мўлжалланади, илмий тадқикот максадини кўзда тутади. Академик нашр ижодкор адабий меросини тўла камраб олиши, мавжуд материаллар илмий кайд, изоҳ ва шархларга эга бўлиши билан бошка нашрлардан фарқ килади. Бу хил нашрларда кўлёзма манбалар сахифаси, мисраларнинг тартиб раками каби маълумотлар хам ўз ифодасини топган бўлади. Масалан, Узбекистон ФА «Фан» нашриётида чоп килинган Алишер Навоий асарларининг 20 жилдлиги, Хамза Хакимзода Ниёзий асарларининг 5 жилдлиги академик нашр хисобланади.